



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
“ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ
ТАРКИБИДАГИ “ШОН-ШАРАФ” ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

2023 йил
Март-апрель №3-4

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ
БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ
АХБОРОТ ДАЙДЖЕСТИ



АЖДОДЛАР

ХОТИРАСИ

ҲАМИША

БАРҲАЁТ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ БУЮК ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ АХБОРОТ ДАЙДЖЕСТИ

Ўзбекистон Республикаси
Мудофаа вазирининг
маданий ишлар бўйича ўринбосари-
“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси
бошлиғи Юсупов Ш.Н.
умумий таҳрири остида

Раҳбар:
Шакиров М.А.

Бош муҳаррир:
Юлдашева Ш.Э.

Муҳаррирлар:
Алтинов И.И.
Рахимов Ш.М.
Исаҳова Б.А.
Бозоров З.Ғ.

Дизайнер ва саҳифаловчи:
Хакимов Б.Ш.

МУНДАРИЖА

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган маросимда сўзлаган нутқи.....	3
II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик нутқи.....	7
Музей янгиликлари	
III. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида “Энг яхши илмий мақола” халқаро илмий-амалий танлови ғолиблари тақдирланди.....	11
IV. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида “Ўзбекистон-Беларусь: Дўстлик, ишонч ва шериклик анъаналарига 30 йил” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.....	13
V. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси жамоаси Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳолидан хабар олди.....	14
VI. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси юртдошларимиз зиёрат қиладиган масканга айланмоқда.....	16
VII. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳарбий хизматчилар нигоҳида.....	17
VIII. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейида “Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати: тарих, талқин, технология” мавзусида анъанавий халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.....	18
IX. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига март-апрель ойларида ташриф буюрган делегациялар.....	20
X. Ўзбек кино санъатининг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги фаолияти.....	21
XI. “Жангчи Турсун” Ҳамид Олимжон.....	25

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган маросимда сўзлаган нутқи



Ассалому алайкум, мухтарама онахонлар! Мунис опа-сингиллар! Дилбар қизларим!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Барчангизга ўзимнинг юксак хурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Биз бу қутлуғ байрамни доимо орзиқиб, катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу шукуҳли айём юртимизга яшариш ва янгиланиш фаслини — фасли наваҳорни бошлаб келади. Бу байрам дилимиздаги сиз, азизларга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни, меҳр-у муҳаббатимизни яна бир бор ифода этишга имкон беради.

Бугун ҳар биримиз чексиз миннатдорлик ҳисси билан Яратганнинг буюк мўжизаси бўлган аёл зотига – меҳрибон оналаримиз, қадрли опа-сингилларимиз, лобар қизларимиз шаънига энг гўзал сўзларни айтишимиз табиийдир.

Биз сизларни энг аввало фидойилик тимсоли деб биламиз. Меҳридарё қалбингиз, ақл-заковатингиз, севги ва садоқатингиз учун сизлардан бир умр қарздормиз.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда, Учинчи Ренессанс бунёдкори бўлган ёш авлодни тарбиялашда сизларга, сизларнинг буюк мураббийлик фазилатларингизга таянамиз.

Қадрли опа-сингиллар!

Биз эркин ва фаровон, демократик, дунёга очик мамлакатни барпо этишда бутун халқимиз қатори хотин-қизларимиз ҳам бекиёс ҳисса қўшаётганини албатта юксак қадрлаймиз.

Шу борада фақат айрим рақамларни келтириб ўтишга рухсат бергайсиз.

Ҳозирги вақтда юртимизда фидокорона меҳнат қилаётган хурматли

аёлларимизнинг улуши тиббиётда – 77 фоизни, таълим соҳасида – 74 фоизни, иқтисодиёт ва саноат тармоқларида эса 46 фоизни ташкил этмоқда. Агар 2017 йилда хотин-қизларнинг бошқарув соҳасидаги улуши 27 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 33 фоизга, сиёсий партиялар сафида 40 фоиздан – 47 фоизга, тадбиркорликда 21 фоиздан – 37 фоизга етди. Билимли, ташаббускор ва фаол аёлларимиздан 2 минг нафарга яқини давлат ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқда. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 33 фоизи, Сенат аъзолари ҳамда маҳаллий кенгашлар депутатларининг 25 фоизи хотин-қизлар эканини таъкидлаш лозим.

Ватанимиз ва халқимиз олдидаги муносиб хизматлари учун аёлларимиздан 17 нафари энг олий мукофот – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган. Хотин-қизларимиз орасида 5 нафар академик, олий таълим муассасаларининг ўзида 700 нафардан зиёд фан доктори, қарийб 3 минг нафар фан номзоди, шунингдек, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Халқ артисти”, “Халқ ўқитувчиси” ва бошқа фахрий унвонларга сазовор бўлган кўплаб аёлларимиз бор. Бундай жонкуяр опа-сингилларимизни Янги Ўзбекистоннинг олтин фонди, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Хурматли анжуман иштирокчилари!

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳаёт ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларга дахлдор ижтимоий муаммоларни ҳал этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтган йили 872 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. 233 мингдан кўпроқ аёлларга 4 триллион 700 миллиард сўм кредит ажратилди. 252 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-хунарлар ва тадбиркорликка ўқитилди.

Хабарингиз бор, биз халқимиз, айниқса, опа-сингилларимизни кўпдан буён кийнаб келган уй-жой муаммосини ечиш мақсадида катта дастурларни амалга оширмоқдамиз. Агар 2017 йилда мамлакатимиз бўйича қарийб 8 минг квартирали 191 та кўп қаватли уй-жой қурилган бўлса, ўтган йили – шунга эътибор беришингизни сўрайман – 56 минг квартирали 1433 та уй-жой барпо этилди. Жорий йилда эса яна 90 минг хонадон учун турар-жойлар қурилади.

Ўтган йили 14 мингга яқин опа-сингилларимизнинг уй-жой шароити яхшиланди, қарийб 7 минг нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга ижара тўловлари коплаб берилди.

Мана шундай эзгу ишларимиз орқали қанча хонадонларга қувонч ва шодлик киргани, қанча-қанча одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифати тубдан ўзгаргани, минглаб аёлларимизнинг руҳи кўтарилиб, уларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамлангани биз учун энг муҳим натижадир.

Сўнгги йилларда “Аёллар дафтари” доирасида ҳам катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Қисқа муддатда салкам 642 минг нафар опа-сингилларимизга амалий ёрдам кўрсатилгани бу борадаги ишларимиз кўлаמידан далолат беради.

Хотин-қизлар саломатлигини асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, миллий генофондни яхшилаш мақсадида ўтган йили 9 миллион нафар аёл тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 3 миллиондан зиёди амбулатор, 347 минг нафари эса стационар шароитда даволанди.

Юртимизда хотин-қизларнинг сифатли таълим ва тарбия олишига алоҳида

эътибор қаратилмоқда. Мутафаккир жаид бобомиз Абдурауф Фитрат таъбири билан айтганда, “Оналар – бутун башариятнинг тарбиячиларидир”.

Дарҳақиқат, оилада бир нафар қиз ўқиб, олий маълумотга, замонавий касб-хунарга эга бўлса, хонадондаги муҳит бутунлай ўзгаради. Биз шу мақсадда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим дастурни қабул қилдик.

Қиёслаш учун бир мисол келтирмоқчиман.

Агар бундан 6 йил аввал олийгоҳларда 110 минг нафар хотин-қиз таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам қарийб 5 баробар кўпайиб, 500 минг нафарни ташкил этмоқда. Бу борада қизларимизнинг улуши 50 фоизга етгани тарихимизда мисли кўрилмаган натижадир.

Янги тартибга мувофиқ, магистратурада ўқиётган 10 мингдан ортиқ талаба қизлар учун 68 миллиард сўмдан зиёд контракт пуллари давлат томонидан тўлаб берилди. 65 мингдан кўпроқ талаба хотин-қизларга 727 миллиард сўмга яқин фоизсиз таълим кредити ажратилди.

Эҳтиёжманд оилаларда яшаётган қарийб 2 минг нафар қизлар, шунингдек, мутахассислиги бўйича беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган 500 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз олийгоҳларга алоҳида квота асосида ўқишга қабул қилинди.

Дунёда чуқур иқтисодий инкироз давом этаётган ҳозирги кунда, қанчалик кийин бўлмасин, зарур маблағ ва имкониятларни топиб амалга ошираётган бундай саъй-ҳаракатларимиз албатта ўз натижасини беради. Олийгоҳларда таҳсил олаётган хотин-қизларимиз орасидан илм-фан, сиёсат ва жамоат арбоблари, машҳур маданият ва санъат, спорт намояндалари етишиб чиқади, деб ишонаман.

Азиз опа-сингиллар!

Кейинги йилларда Ўзбекистон хотин-қизларининг овози халқаро минбарлардан ҳам дадил янграётгани барчамизни қувонтиради. Улар минтакавий ва халқаро тузилмалар, нуфузли форум ва анжуманларда фаол иштирок этаётганидан хабарингиз бор.

Бу ҳақда сўз юритганда, мамлакатимиз ташаббуси билан 2020 йилда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёллари мулоқотида асос солинганини таъкидлаш лозим. Ўтган йили эса Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Хотин-қизлар форуми бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси хотин-қизлар муаммоларини минтақа ва халқаро миқёсда муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш бўйича янги ташаббусларни илгари суриш имконини бермоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги тантанамизда иштирок этаётган, ана шундай саъй-ҳаракатларимизни қўллаб-қувватлаб келаётган хорижий давлатларнинг ҳурматли элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини ҳам самимий кутлайман. Барчамиз чин дилдан уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик ва фаровонлик тилаймиз.

Кадрли ватандошлар!

Шу ўринда кўнглимдаги бир эзгу фикрни сиз, азизларга айтишни жоиз деб биламан.

Биз Ўзбекистонда қандай қонун ва қарорларни қабул қилмайлик, қандай

ислохотларни ҳаётга жорий этмайлик, давлат раҳбари сифатида менинг кўз ўнгимда аввало мунис оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимиз сиймоси, уларнинг дарду ташвишлари туради.

Сиз, азизларимнинг оила даврасида тинч-омон, соғ-саломат, фаровон ва бахтли турмуш кечиришингиз, жамият ҳаётида фаол иштирок этишингиз учун хизмат қилишни мен ўзим учун нафақат асосий вазифа, балки шарафли бурч, деб биламан. Чунки оила таянчи, жамият устуни бўлган оналаримиз, аёлларимиз ҳаётдан рози бўлса, бутун халқимиз ҳаётдан рози бўлади. Халқ рози бўлса, Яратганимиз ҳам биздан рози бўлади.

Хабарингиз бор, республика хотин-қизлар ташкилоти ҳозирги вақтда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси сифатида янгича мазмунда фаолият кўрсатмоқда. Қўмитанинг ваколат ва фаолият доираси кенгайтирилиб, унинг таркибига билимдон ва юқори малакали янги кадрлар жалб этилди. Жумладан, биринчи марта энг қуйи бўғинда – 9 минг 400 дан зиёд маҳаллада аёллар муаммоларини ҳал этишга қўмаклашадиган хотин-қизлар фаоли лавозимлари жорий этилди.

Буларнинг барчаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасини Ўзбекистон аёлларининг чинакам таянчи ва суянчига айлантиришга хизмат қилади.

Мухтарам ватандошлар!

Маълумки, турли соҳаларда дастлабки муҳим натижаларга эришиб, ёшларимизга намуна бўлаётган истеъдодли қизларимизни шу қутлуғ байрам арафасида Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш яхши анъанамизга айланган. Бугун Зулфияхонимга муносиб издош сифатида эътироф этилган яна 28 нафар оқила ва истеъдодли қизларимизга ана шу мукофотларни топширамыз.

Сиз, азиз қизларимни ҳаётингиздаги илк зафар билан чин дилдан табриклаб, барчангизга янги-янги ютуқлар тилайман.

Бугунги хурсандчилик кунда ўз соҳасида ибратли натижаларга эришган, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиб, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган хурматли аёлларимиздан катта бир гуруҳи давлатимизнинг юксак орден ва медалларига сазовор бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, уларнинг барчасини самимий табриклайман.

Азиз ва кадрли ватандошлар!

Бугунги ўта оғир ва мураккаб замонда биз ўз олдимизга улкан вазифаларни қўймоқдамиз. Уларни бажариш албатта осон бўлмайди. Лекин, бу шарафли йўлда бизга чексиз куч ва мадад берадиган мард ва олижаноб халқимиз, мухтарама оналаримиз, азиз опа-сингилларимиз бор экан, кўзлаган улут мақсадларимизга албатта етамиз.

Янги Ўзбекистонни барчамиз биргаликда бунёд этамиз!

Сизларга, бутун мамлакатимиз аёлларига сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файз-у барака тилайман.

Қутлуғ байрамингиз муборак бўлсин!

**Шавкат Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг
Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги
табрик нутқи**



**Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!
Ҳурматли меҳмонлар!**

Аввало, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни шарқона янги йил – Наврўз байрами билан чин юракдан самимий табриклайман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, бахту саодат ва улкан ютуқлар тилайман. Бугунги файзли дамларда чет эллардаги ватандошларимизни ҳам Наврўз айёми билан қутлаб, уларга чуқур ҳурматим ва эзгу тилақларимни изҳор этаман.

Мухтарам дўстлар!

Биз баҳор, яшариш ва янгиланиш фасли – Наврўзи оламини ҳамиша орзиқиб, интизорлик билан кутамиз. Аммо, бу галги соғинчимиз чексиз, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам менинг фикримга қўшиласиз. Чунки, коронавирус пандемияси туфайли биз кейинги икки йилда ушбу ардоқли байрамни халқимиз кутганидек юксак даражада нишонлай олмадик. Мана, ниҳоят, Наврўз байрамини яна кексаю ёш барчамиз биргаликда катта шоду хуррамлик билан қарши олмақдамиз.

Бугун Наврўз байрамини Сиз азизлар билан мана шу мухташам “Ҳумо” саройида ўтказаяпмиз. Чунки, барчангиз кўриб турибсиз – сўнгги ҳафтада юртимизда ҳаво совиб, ёғингарчилик юз бермоқда. Аммо ҳаммамиз яхши тушунамизки, шу кунларда осмондан ёмғир эмас, оби раҳмат ёғмоқда, қут-барака билан ризку рўз ёғмоқда. Бунинг учун Яратганга ҳар қанча шукроналар айтсак арзийди.

Буюк аллома Ҳаким Термизий бобомиз ўзининг “Наврўзнама” китобида “Наврўзи олам душанба кунини кирса, ёмғир, қор ёғади, деҳқончилик, ҳосил мўл бўлади – йил тўқчиликда ўтади”, деб ёзганлар. Бу фикрлар бугун – айни

душанба куни Наврӯзни кутиб олаётган эл-юртимизнинг эзгу орзу-ниятлари билан уйғун ва ҳамоҳанг десак, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ҳурматли байрам иштирокчилари!

Биз мамлакатимизда бошлаган улкан ислохотларимизни давом эттириш мақсадида Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси ҳамда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дастурини қабул қилдик. Меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз миллий ривожланишнинг янги даврига улуғвор мақсад ва амалий ишлар билан кириб бормоқда. Бунинг тасдиғини биз бугун ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овуллар, шаҳарларимиз мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Юртимизда юзлаб замонавий корхоналар, йўл ва коммуникация тармоқлари, шинам турар-жойлар, янги боғча ва мактаблар, олийгоҳлар ҳамда маданият масканлари, тиббиёт ва спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Барча ҳудудларимизда “Янги Ўзбекистон” боғлари, “Янги Ўзбекистон” массивлари бунёд қилинмоқда.

“Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари қаторида бутун мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ушбу бектакрор айёмда Наврӯзнинг олижаноб қадриятларидан куч-қувват ва илҳом олган халқимиз маҳаллаларда хашарлар қилиб, кўчат ва гуллар экиб, янги-янги боғ-роғлар, сайилгоҳлар яратмоқда.

Айтиш мумкин-ки, айти пайтда бутун мамлакатимиз байрам кайфияти ва бунёдкорлик руҳи билан яшамоқда.

Қадрли дўстлар!

Маълумки, дунёда турли байрамлар, қутлуғ саналар кўп. Лекин инсон қадри ва шаънини улуғлашда Наврӯз айёми алоҳида ўрин тутати, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз. Наврӯзи олам бизни табиат фарзанди бўлиб, Ватан тупроғини, она заминдаги ҳар бир гиёҳни кўзимизга тўтиё қилиб яшашга ўргатади. Наврӯз ҳаммамизга инсонийлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фанидан сабоқ беради. Шу файзли лаҳзаларда барчамиз тинчлик ва осойишталик нақадар бебаҳо неъмат эканини, унинг кадр-қиммати ва аҳамиятини яхши англаймиз.

Бугунги мураккаб дунёда халқимиз ҳаётини, фарзандларимиз келажагини, мусаффо осмонимизни асраб-авайлаш учун ҳар биримиз масъул ва жавобгар эканимизни янада чуқурроқ ҳис этамиз. Наврӯз байрами мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз учун умумхалқ байрамига, энг севимли ва ардоқли айёмга айлангани билан чексиз фахрланамиз. Айти шу кунларда бағрикенг диёримизда миллатлараро дўстлик, ўзаро ҳурмат, саховат ва мурувват туйғулари яққол намоён бўлмоқда.

Инсон қадрини улуғлашга қаратилган эзгу ишларимиз доирасида кенг жамоатчилик уйма-уй юриб, беморлар, кекса ва ногиронларга, кўмакка муҳтож оилаларга меҳр-оқибат, амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Биз, барча ҳавас қиладиган бундай боқий урф-одатларимизни кўз қорачиғидек асраб, азиз фарзандларимизни мана шундай юксак одамийлик руҳида тарбиялашни давом эттиришимиз лозим. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Халқаро Наврӯз куни муносабати билан барча хорижий

дўстларимиз ва ҳамкорларимизни, бугунги байрамимизда иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари улуғ айём билан табриклаб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик, фаровонлик ва равнак тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Эртага юртимизда яна бир кутлуғ байрам – Маҳалла куни кенг нишонланади. Маҳалла биз учун Ватан ичра кичик ватандир. Шу боис, биз инсон кадрини маҳалла билан уйғун ҳолда тасаввур этамиз. **Маҳалла тинч бўлса – бутун юртимиз тинч бўлади. Маҳалла обод бўлса, бутун мамлакатимиз фаровон бўлади.** Айни шу сабабли, ҳаётимизда маҳалланинг ўрни ва нуфузини ошириш, унинг ваколат ва имкониятларини кенгайтиришга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз.

“Маҳаллабай” ишлаш асосида аҳолининг яшаш шароитларини, ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилаш, одамларимизнинг соғлиғини асраш, ижтимоий муаммоларни ечиш, хотин-қизлар ва ёшларни замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларни иш ўринлари ва уй-жой билан таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимиз янги босқичга чиқмоқда. Доимо эл-юрт хизматида бўлиш, унинг ташвиш ва муаммолари билан яшаш, барча даражадаги раҳбар ва мутасаддилар учун фаолият мезонига айланмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, аҳолининг оғирини енгил, мушкулени осон қилиш мақсадида астойдил хизмат қилаётган барча-барча инсонлар – маҳалла раислари ва фаолларини, муҳтарам нуронийлар ва халқ ноибларини, кайвони опасингилларимизни, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларини самимий табриклаб, уларга янги зафарлар ва омадлар тилайман.

Азиз дўстлар!

Мана шу баракали кунларда ризку насибамиз бунёдкори бўлган миришкор деҳқон ва фермерларимиз, соҳибкор боғбон ва чўпонларимиз яхши кайфият ва эзгу ниятлар билан кадрдон далалари ва боғлари, яшил яйловлари томон йўл олмоқдалар. Уларнинг барчасини чин дилдан қутлаб, янги мавсумда ишларига ривож ва омадлар тилаб, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз баланд бўлсин, деб пок ниятлар қиламиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Наврўз ва ёшлик тушунчалари бир-бирига бағоят яқин ва муштаракдир.

Бугун азму шижоатли миллионлаб фарзандларимизга ғурур билан қарар эканмиз, бу ҳақиқатга такроран ишонч ҳосил қиламиз. Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда, эзгу орзу-интилишлар билан ҳаётга кириб келаётган ёш авлодимизга – азиз болаларимга мурожаат қилиб айтмоқчиман: Кадрли ўғил-қизларим, сизлар мустақил, эркин ва обод Ватан бағрида вояга етмоқдасиз. Бу, ҳеч шубҳасиз, бебаҳо бойлик ва катта бахт, айни вақтда чексиз масъулиятдир. Нега деганда, ота-оналар, устозларингиз бошлаган улкан ишларни эртага айнан сизлар давом эттирасиз.

Бу улуғ вазифага ҳозирдан тайёр бўлишингиз, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллашингиз, муқаддас Ватанимизни кўз қорачиғидек асрашингиз, унга ҳамиша содиқ бўлиб яшашингиз зарур. **Доимо ёдингизда бўлсин – биз интилаётган юксак марраларга, ҳеч қачон ўз-ўзидан, осонлик билан эришиб бўлмайди. Янги Ўзбекистонни, Учинчи Ренессансни**

халқимизнинг буюк қудратидан куч олиб, бугунги ва эртанги авлодимиз бунёд этади. Сизлар бўлғуси Хоразмий ва Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Улуғбек ва Навоийлар, Бобурлар сифатида Ватанимиз шонушухратини бутун дунёга, албатта, тараннум этасизлар.

Илм ва хунар ўрганишдан, камолот сари парвоздан асло тўхтаманг. Доимо олдинга, юксак чўққиларга интилинг, азиз фарзандларим!

Мухтарам юртдошларим, кадрдонларим!

Мана шу қутлуғ айёмда сиз, азизларни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан, яна бир бор, чин қалбимдан муборакбод этаман.

Наврўзи олам ҳар бир инсон, ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, яхшилик ва файзу барака олиб келсин!

Мухтарам отахон ва мўътабар онахонларимизнинг умрлари зиёда бўлсин!

Меҳрибон опа-сингилларимизнинг эзгу тилаклари рўёбга чиқсин!

Азиз фарзандларимизнинг бахту иқболини берсин!

Жонажон Ватанимиз янада гўзал ва обод бўлсин!

Юртимиз тинч ва осойишта, халқимиз доимо соғ-омон бўлсин!

Наврўз байрамингиз муборак бўлсин!

**“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида “Энг яхши илмий мақола”
халқаро илмий-амалий танлови ғолиблари тақдирланди**



“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳузуридаги “Шон-шараф” давлат музейининг мажлислар залида **“ЭНГ ЯХШИ ИЛМИЙ МАҚОЛА”** халқаро илмий-амалий танлови ғолибларини тақдирлаш маросими тантанали равишда ўтказилди.

Мазкур ўтказилган халқаро илмий-амалий танловда “Шон-шараф” давлат музейи Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши даври тарихини ўрганиш бўлими барча илмий ходимлари ўз мақолалари билан қатнашиб муносиб тақдирландилар. Танлов ғолиблари бугунги кунда илмий изланишларни давом эттирган ҳолда ёшларимизни ватанга муносиб ва комил инсонлар бўлиб вояга етишларида аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган фидойилик, олийжаноблик, она ватанга бўлган садоқатини ёшлар онгига сингдириш каби эзгу мақсадлар йўлида бор куч-ғайратларини ишга соладилар.





**“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида “Ўзбекистон-Беларусь:
Дўстлик, ишонч ва ҳамкорлик анъаналарига 30 йил” мавзусида
давра суҳбати ўтказилди**



“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳузуридаги “Шон-шараф” давлат музейида “Ўзбекистон-Беларусь: Дўстлик, ишонч ва ҳамкорлик анъаналарига 30 йил” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Мазкур давра суҳбатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги жамоатчилик дипломатияси маркази раҳбарияти, Беларусь Республикасининг Ўзбекистондаги Мухтор элчиси Маринич Леонид Адамович, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси вакиллари, “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси раҳбарияти ҳамда жамоаси иштирок этди. Унда икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари натижасида эришилган ютуқлар, ҳамкорлик натижасида эришилган ютуқлар шунингдек, келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар, режалар атрофлича муҳокама қилинди. Тадбир сўнггида ташриф буюрган меҳмонларга эсдалик совғалари топширилди.



“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси жамоаси Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари ҳолидан хабар олди



9 май “Хотира ва кадрлаш куни” арафасида “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси жамоаси томонидан бир қатор Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фахрийлари ҳолидан хабар олинди. Яшнобод туманида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Федор Федин Семёнович хонадониди бўлиб, фахрий отахоннинг ҳолидан хабар олишди.

Отахон 97 ёшни қаршилаётган бўлишига қарамай, меҳмонларни мамнуният билан кўчага чиқиб, кутиб олди. Отахон бирин-кетин совғаларни қабул қилиб олар экан, айти йигитлик чоғида босиб ўтган оловли йўллари ҳақидаги ҳикояси билан ўртоқлашди. Федор Семёнович 1927 йилда Россиянинг Мордовия ўлкасида туғилган. 1944 йилда армияга чақирилиб, Минск шаҳри яқинидаги жангда қатнашган. Урушда алоқачи ва инструктор вазифасини бажарган Федор Федин 1944 йил 2-Беларуссия fronti таркибида фашист босқинчиларига, кейин эса Узоқ Шарқ fronti таркибида Квантун армиясига қарши қонли жанглarda қатнашган. Уруш тугаганидан сўнг, бир неча йил Хитойда хизмат қилган.

Шунингдек Иккинчи жаҳон урушида иштирок этиб, ватан тинчлигини душмандан ҳимоя қилиш йўлида жасорат кўрсатган Аббос ота Аппанов ҳолидан хабар олиниб, ҳурмат эҳтиром кўрсатишди. Меҳмонлар ташрифидан қувонган отахон уруш йилларида бошидан кечирган аянчли кунлари ҳамда бугунги тинч ва фаровон кунлар ҳақида тўлқинланиб гапирди. Учрашувда отахонга “Ғалаба боғи фалсафаси” ҳамда “Ўзбекистон Иккинчи жаҳон уруши даврида” учинчи китоб-альбоми совға қилинди. Мазкур китоб альбоми саҳифаларидан Аббос Аппанов ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар ҳам ўрин олган. Бундан ғурурланган отахон

мудофаа вазирлиги ҳамда “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси раҳбариятига чуқур миннатдорчилик изҳор этиб, бугунги кунда юртимиз тинчлигини таъминлашда тиним билмай хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилардан фахрланишини такрор ва такрор таъкидлади.

Шундан сўнг, отахонга зарур озиқ-овқат маҳсулотлари такдим этилиб, тиббий кўриқдан ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари инсоният бошига тушган мудҳиш кунлар сабабли қанчадан-қанча юртдошларимиз бевақт ҳалок бўлишди. Шундай экан, бугунги тинч ва фаровон, бахтиёр кунларимиз абадий бўлсин.



“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси юртдошларимиз зиёрат қиладиган масканга айланмоқда



“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси юртдошларимиз билан гавжум. Кўзларида умид учқунлари порлаб турган шижоатли ёшларнинг ушбу масканга қилган саёҳати уларни нафақат она ватанга бўлган меҳр-муҳаббатларини оширади, балки, ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган инсонийлик ва олийжаноблик каби фазилатлардан ўрнат олиб, уларга муносиб давомчи бўлишга ундайди, десак муболаға бўлмайди. Сирдарё вилояти, Боевот туманидаги 52-умумтаълим мактаби ҳамда Сирдарё вилояти, Сирдарё туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчилари “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳамда “Шон-шараф” давлат музейига саёҳат қилишди.

Шунингдек, Тошкент вилоятида истиқомат қиладиган бир гуруҳ ўқувчи-ёшлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари ҳам ташриф буюрдилар. “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига саёҳат эртаминг эгаларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, мажмуа ҳузуридаги “Шон-шараф” давлат музейини кузатган ёшлар ота-боболаримизнинг муқаддас ватан тинчлигини таъминлашда кўрсатган жасоратидан сўзловчи ноёб экспонатлардан ўзларига керакли бўлган ҳулосаларни чиқариб, аجدодларга муносиб давомчи бўлиш бизнинг ватан олдидаги шарафли бурчимиздир,—дея таъкидлашди. Саёҳат чоғида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоблар олишди.

“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ҳарбий хизматчилар нигоҳида

Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари муддатли ҳарбий хизматчиларининг “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига қилган саёҳати кўплаб таассуротларга бой бўлди.


Ушбу маскан ҳудудида қад ростлаган ўзбек халқининг матонатли онаси Зулфия Зокирова ҳамда унинг садоқатли келинлари шарафига ўрнатилган ёдгорлик катта таассурот уйғотди. Ёш ҳарбий хизматчилар бир умр метин ирода ҳамда айрилиқ азобида ҳаёт кечирган муштипар она тимсолига таъзим бажо келтиришди. Аجدодларимизнинг она ватанга бўлган меҳр ва муҳаббати ҳамда садоқатини ўзида ифода этувчи экспонатларни кузатар экан, тинчликни асраш йўлида қурбон бўлган ота-боболаримизнинг жасоратидан таъсирлангани кўз нигоҳларида намоён бўлди. Дарҳақиқат, минг бор эшитгандан, бир бора кўра афзал қабилидаги ибратли сўз замирида олам-олам маъно мужассам. Бугунги кунда ёшларимизни ватанпарвар ҳамда комил бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси чин маънода юртимизда амалга оширилаётган амалий ишларнинг юксак натижасидир.




“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси таркибидаги “Шон-шараф” давлат музейида “Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати: тарих, талқин, технология” мавзусида анъанавий халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги ҳузуридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида 2023 йил 27 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Марказий Осиё Халқаро инсититути, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, нодавлат олий таълим муассасалари, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, “ЎЗАРХИВ” агентлиги билан ҳамкорликда **“Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати: тарих, талқин, технология”** мавзусида III-анъанавий халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Халқаро илмий-амалий конференцияда тарих, тарихшунослик, архившунослик ва музейшунослик йўналишларида илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар, соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, мустақил изланувчилар билан бир қаторда хорижий давлатларнинг яъни Нидерландия, Беларусия илмий-тадқиқотчилари, олимлар ва мутахассислари ҳам зоом платформаси орқали қатнашиб олиб борилаётган қидирув ишлари юзасидан амалга оширилган ишлар хусусида маълумотлар беришди.





**“Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасига март-апрель
ойларида ташриф буюрган делегациялар**

**Қозоғистон Республикаси Олма-ота шаҳри махсус мактаби
ўқувчилари ташрифи**

**Қирғизистон Республикаси Ош шаҳри махсус мактаби
ўқувчилари ташрифи**

**Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти тиббиёт
ходимларининг ташрифи**

Қозоғистон Республикаси тиббиёт ходимлари ташрифи

Эрон Ислом Республикаси фуқаролари ташрифи

**Озарбайжон Республикаси Қуролли Кучлари офицерлари
ташрифи**

**Қирғизистон Республикаси ШХТ Халқ дипломатияси вакиллари
ташрифи**

**Қозоғистон Республикаси Миллий Хавфсизлик комитети директори ўринбосари
раҳбарлигидаги ҚР МХК вакилларида иборат делегация ташрифи**

**Озарбайжон Республикаси Қуролли Кучлари офицерлари
ташрифи**

**Жанубий Корея Республикаси фуқароларидан иборат делегация
ташрифи**

**Россия Федерацияси фуқароларидан иборат делегациялар март-апрел
ойларида «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрди**

Ўзбек кино санъатининг иккинчи жаҳон Уруши йилларидаги фаолияти

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон халқи турли қийинчилик ва машаққатларга қарамасдан, жамият ҳаётининг турли соҳаларида муайян ишларни амалга ошириб, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда эътиборга лойиқ ютуқларни қўлга киритди. Ўзбек кино санъати ҳам уруш йиллари партия органларининг тўла назоратида фаолият юритди. Жанг тафсилотлари ҳамда мамлакат ичкарасида меҳнат аҳлининг ҳаётини акс эттириш бош мавзу бўлди. Ўзбек халқи маданий мероси, тарихий воқеа ва шахслар ҳаётини тасвирлаш кино санъати усталари эътиборидан четда бўлди. Уруш йиллари киностудияларда яратилган фильмларни 4 гуруҳга ажратиш мумкин: киножурналлар, жанговар кинотўпламлар, қисқа метражли кино концертлар ва тўла метражли бадиий фильмлар.

Тошкент киностудияси 1941 йилнинг ўзида 43 та киножурнал чиқарди. “Орденли Ўзбекистон санъати”, “Биз ғалаба қиламиз”, “Фронт, биз сен билан” номли киножурналлар кенг намоиш этилди. Киножурналлар саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ирригация соҳаси меҳнаткашларининг ишини, фан ва маданият, санъат ходимлари фаолиятини акс эттирди. 1942 йилдан бошлаб кинотўпламлар чиқарилиб, улар орасида “8-кинотўплам”, “Нафрат халқасида”, “Жонажон соҳиллар” номли тўпламлар яратилди. “8-кинотўплам”га икки новелла, яъни “Белград туни” ва “Уч танкист” киритилди. Бу новеллаларга Л. Луков ва Н. Садковичлар режиссёрлик қилди. Умуман, ватанпарварлик мавзуси кино ва театр санъатида асосий мавзу бўлиб қолди.

Ўзбек киноматографияси ходимлари уруш йилларида қисқа метражли фильмлар туркумини – киноновеллалар, кинохикоялар, очерклар, сатирик сахначалар, шунингдек, фронт жангчилари учун махсус фильм — концертлар – “Фронтдаги дўстлар”, “Ватан армуғони”, “Фронтга концерт” ва бошқаларни яратдилар. Киножурналлар саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ирригация қурилишлари меҳнаткашларининг ишини, фан ва маданият, санъат ходимлари фаолиятини акс эттирди. Ўзбек киносининг Иккинчи жаҳон уруши йилларида яратган асарлари орасида фильм концертлар муҳим аҳамият касб этди. Улар фронт учун аталган бўлиб, асосан рақс ва қўшиқлардан ташкил топди. Аскарларни қизиқтириш учун қизиқарли сюжетлар билан бойитилди. Ўзбек режиссёрлари томонидан сахналаштирилган фильм-концерт билан бир қаторда, фронтда жанг қилаётган аскарларга намоиш этиш мақсадида Ўзбекистоннинг табиати, урф-одатларини ўзида акс эттирган иккинчи фильм яратилди. Бу фильм уруш йилларида Тошкент киностудиясига келган ва бадиий раҳбарликни қўлга олган Комил Ёрматов иштирокида олиниб, қўшиқлар ва рақслари ўзбек давлат опера ва балет театри артистлари томонидан ижро этилди. Умуман, республиканинг оғир уруш давридаги маънавий ҳаётининг ўзига хос хусусиятларига баҳо берганда, шунинг таъкидлаш лозимки, уруш йилларида яратилган бадиий асарлар ўлка аҳолиси ҳаётидаги инсонпарварлик фазилатларини улуғлашга қаратилган эди.

Ҳарбий ватанпарварлик мавзусида яратилган “Жанговар кинотўплам”нинг саккизинчи (1941) ва ўн биринчи (1942) сонлари Тошкент киностудиясида яратилди. Уруш йиллари Тошкент киностудиясида Е.Габрилович сценарийси ва Л. Луков режиссёрлиги асосида “Икки жангчи”, улар орасида Киев ва Тошкент киностудиялари томонидан Л. Луков режиссёрлигида суратга олинган “Александр Пархоменко” фильми ҳам ана шундай фильмлар сарасига кирди. Бош ролни киноактёр А. Хниля ижро этган бу фильм уруш йиллари аскарлар орасидаги ғалабаларни шарафлашга бағишланган.

Бундан ташқари уруш йилларида рус режиссёрлари Яков Протазанов (1943 йилда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонини олган), Михаил Кранянский, украин киноси намоёндаларидан Даниил Делмуский (1944 йилда Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонини олган) ва ўзбек киносининг отахонларидан Наби Ғаниевлар ҳамкорлигида “Насриддиннинг саргузаштлари” (1946), “Тоҳир ва Зухра” (1945), “Алишер Навоий” (1947) каби фильмлар ишланди. Иккинчи жаҳон урушининг мисли кўрилмаган суронли йиллари бўлишига қарамасдан, ўзбек киносида комедия фильмлари ҳам суратга олинди. Рус режиссёри Я.Протазанов томонидан сенарийчилар В. Соловёв ва В. Виктовичлар билан ҳамкорликда суратга олинган, ўзбек халқ юморида бой бўлган “Насриддин Бухорода” фильми халқ орасида катта эътибор қозониб, дунё экранларида ўзига муносиб ўрин эгаллади. 1942 йилнинг 22 июнида “Хўжа Насриддин афанди” фильмини суратга олиш ишлари бошланди, Бухоронинг қадимги даврини кўз олдида келтиришда Самарқанддаги тарихий биноларнинг жуда катта таъсирга эга эканлиги назарда тутилиб, ишнинг асосий қисми Самарқандда бажарилди.



Ҳужжатли фильмлар студияси ҳам ҳар бир кино журналдан олинган нусхаларни мунтазам равишда фронтга юбориб турди. Бир қатор қисқа метражли ва бадиий фильмларда Ўзбекистон жангчиларининг фронтлардаги қаҳрамонона жасоратлари ҳақида ҳикоялар қилинган эди. Кинода, асосан, жанг эпизодларини тасвирлашга эътибор кучайтирилди. Уруш бошланиши билан Тошкент киностудиясида қисқа метражли “Биз енгамиз” (М. Исмоилий, Е.Смирнова, К. Ёрматов), “Жанговар дўстлар” (сенарий муаллифи З. Маркина ва А.Катсович, режиссёр Н. Ғаниев) фильмлар экран юзини кўрди. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, “Биз енгамиз” фильмининг адабий сценарийсини ёзишда адиб М. Исмоилий қатнашди, режиссура устида

К.Ёрматов ва Наби Ғаниевлар ишладилар, ижро тажрибаси артистлардан А.Исмамов, Н.Эшмухаммедов, Л. Саримсоқоваларга топширилди. Шу тариқа студиянинг Иккинчи жаҳон урушига бағишланган биринчи фильми тайёр бўлди. Фильмда мураккаб образли фалсафий қарашлар ишлатилмасдан, аксинча, жасоратга даъват этувчи ғоялар ўз ўрнини эгаллади. Бу фильмдан сўнг шундай ғоялар билан суғорилган Н. Ғаниев ва Н. Брюнчугуннинг “Жанговар дўстлар” киноновелласи суратга олинди.

Фильм-концертлар ишлаш бўйича ҳам ҳаракат олиб борилди. 1941 йил “Фронт учун концерт”, 1942 йилда “Фронтдаги дўстларга”, 1943 йилда “Ватан совғаси”, 1944 йилда “Беш республика концерти” каби фильм-концертлар яратилди. Мазкур фильм-концертларни Н.Ғаниев, С.Муҳаммедов, Уйғун, К.Ёрматов, И.Аъзамов, З.Собитов каби сценаристлар ва режиссёрлар томонидан тайёрланди, унда санъаткорлардан А. Ҳидоят, Ш.Муллажонов, Ш.Бурҳонов, А.Аннакулиева, Ҳ.Носирова, Тамарахоним, К.Зокиров, Л.Саримсоқова, Қ.Ёқубов, Ж.Султонов, М.Узоқов, М.Турғунбоева каби санъаткорлар иштирок этди. Шунинг эътирофи сифатида керакки, Комил Ёрматов “Ватан совғаси”, “Фронт учун концерт”, “Биз енгамиз”, “Фронтдаги дўстларга” каби фильм-концертлар устида иш олиб борди, “Фронт биз сен билан”, номли хужжатли фильм суратга олинди, қолаверса бу фильм фронтдаги аскарларга намоёни этилиб, уруш кетаётган вақтда республикамиздаги ҳаёт кўрсатиб берилди. И. Аъзамов, З. Собитов, С. Муҳаммедов “Фильм Концерт”, “Беш республика концерти”, “Фронтдаги дўстларга” фильмларни суратга олишда иштирок этдилар. Уруш йилларида Москва, Ленинград, Киев, Одесса шаҳарларидан кўплаб кино ижодкорлари Тошкентга кўчирилган эди. Одесса киностудияси ҳам Тошкентга кўчириб келтирилди. Уруш йилларида кино соҳаси ходимларидан 200 га яқини Ўзбекистонга эвакуация қилинди. Тошкент киностудиясига келган кино санъати усталари орасида Я.Протазанов, М.Ромм, Г.Козинцев, Л.В.Трауберг, А.Зархи, Л.Луков, И.Хейфис ва бошқалар бор эди. Тошкент киностудияси бошқа республика киностудиялари билан ҳамкорликда бир қатор фильмлар ишлади. Ўзбек кинематографиясининг илк қалдирғочларидан бўлган бу инсон ўз сафдошлари орасида разедкачи “Мороз” номи билан машҳур бўлди. Ундан сўнг ота касбини давом эттирган режиссёр Али Ҳамроев, оператор Давлат Ҳамроевлар ҳам ўзбек киносининг шаклланиб, ривожланишида ўз ҳиссаларини қўшдилар, уларнинг қаторида Малик Қайумов бўлиб, у камераси билан жанг майдонларида суратга олиб, ярадор ҳолда қисқа вақтга Ватанига қайтганда ҳам “Қадрдон ўлка” фильмини суратга олди. Иккинчи жаҳон уруши йиллари халқимиз маданий ҳаёти тарихининг ажралмас бир бўлагидир. Уруш вақтида сиёсий-иқтисодий қийинчиликларга қарамай ўзбек маданияти соҳасида ривожланиш тўхтаб қолмади. Аксинча халқнинг руҳиятини кўтаришга ва душман устидан ғалаба қозонишга бўлган ишончини уйғотди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларининг ажралмас бир бўлаги булган маънавий ва маданий ҳаётини акс эттирувчи жараёнларга мустақил Ўзбекистон халқининг миллий бирлиги ғояларидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериб ёритиш, баркамол авлод тарбияси, фаровон, бахтли жамият барпо этишнинг муҳим омили ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Илин А. Ўзбекистоннинг илғор санъаткорлари фронтга // Қизил Ўзбекистон. 1942. 18 нояб.
2. Каримов Р. Совет Ўзбекистони санъати Улуғ Ватан уруши йилларида. –Т.: 1970. –37 б.
3. Сафарова З.С. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти: ҳолати ва муаммолари. Тошкент, 2013. – 150 б.
4. Сафарова З.С. Иккинчи Жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон маданияти. Тарих фан. бўйича фалсафа док. дисс. Самарканд, 2020. – 175 б. 5. Унгбоева Б. Ўзбекистонда 1920-1956 йилларда кино ва театр санъати. – Т.: 2018. – 165 б.

**“Шон-шараф” давлат музейи
Кичик илмий ходими З.Ғ.Бозоров**

Дарёнинг ёқасида
Неча кунлар борар жанг.
Бугун яна не қилар?
Турсуннинг боши гаранг.

Зўр жангларнинг шиддатин
Қилди уни ганг ва пол,
Қўрқиб қолди у, ҳатто,
Қочмоқни қилар хаёл.

Бугун унинг ротаси
Атакага киради,
Лекин жангчи Турсунга
Жон ширин кўринади.

“Ўлиб кетсам бўлмайти,
Қочганим яхши тезроқ...”
Жангчи Турсун қочишга
Улгуrolмайди бироқ.

Почтальон снасидан
Келтиради унга хат.
Рота ҳужумга тайёр,
Буйруқ кутади фақат.

Хатни секин очади,
Уни титроқ ўрайди.
Онанинг сўзларидан
Барг каби қалтирайти.

Ўғлим, сендан хушхабар
Келарми, деб кўз тутдим.
Лекин, кўп жойни ташлаб
Кетибди, деб эшитдим.

Шунда бутун тангани
Ёндириб қаҳрим келди.
“Тўхтагил!” деб ҳайқирдим,
Тилимга заҳрим келди.

Қаёққа чекинасан?
Борми кераксиз еринг?
Не учун одам бўлдинг
Келмасанг душманга тенг?

Сенинг-чун бутун элин
Оғир уят тутсинми?
Сени кўрганда қуёш
Юзини беркитсинми?
Кўчадан ўтганингда
Ерга қарасинми эл?
Икки кўзингга қараб
Тупроқ тўзғитсинми ел?

Кўзинг тушганда, Аму
Илондек тўлғансинми?
Зарафшон уятингдан
Янтоқ каби ёнсинми?

Йигит бўлиб дунёда
Шу учун юрганмидинг?
Ўз юртидан чекинган
Ботирни кўрганмидинг?

Халқинг учун тўккали
Бир ўқми бир қошиқ қонинг?
Ватаннинг тупроғидан
Ширин эканми жонинг?

Ватандан бошдан-оёқ
Қочиб ўтмоқчимисан?
Уз туғилган ерингдан
Чиқиб кетмоқчимисан?

Сўнг қаёққа борасан,
Қаердан топасан жой?
Саргардон қулни ҳатто
Топа олмагай худой!

Ёт элларда хор-сарсон
Гадой бўлмоқчимисан?
Қабр учун керак ерни
Қарзга олмоқчимисан?

Ўғлим, бу оғир кунлар
Бир кун ўтиб кетади,
Лекин кўрқоқнинг шаъни
Минг йилларга ўтади.

Шуниг учун жангда мард
Бўлганинг яхши менга,
Қочиб тирик қолгандан
Ўлганинг яхши менга.

Орқанга қарама ҳеч,
Ёвни бурда-бурда қил!
Агар ўқ текканда ҳам
Олдинга қараб интил.

Ўртоқларинг устингдан,
Майли, сакраб ўтсинлар.
Ёв агар аждар бўлса,
Ўшани ҳам ютсинлар.

Яна бир дўстингга айт,
Сенинг ёнингда борсин.
Қон бўлган кўйлагингни
Олиб менга юборсин.-

Мен уни бутун элга
Фахр этиб кўрсатаман.
Шаҳар, қишлоқлар бўйлаб
Уни кийиб ўтаман.

Ҳамма десин: «Бу ўтган
Бир ботирнинг онаси.
Ватан учун ўлибди
Унинг ёлғиз боласи...»

Ҳамид Олимжон